

Қиссада грамматик воситалар сўзлашув услубига мос тарзда бериледи:

// *У с т а (Латофат нари кетгач, изидан ўйчан тикилиб мингирлайди). Тўрва осган лўлининг ўзгинаси бўпти-қопти! //*

Қиссада асар қаҳрамони қайси касбда фаолият кўрсатса, ўша соҳага доир атамалар акс этади, бу дегани бундай матнларда от сўз туркумига доир сўзлар устуворлик қилади. Касб-хунарга доир **болга, электр арра, кавшарлагич, арматура, прут, угольнигу**

Адабиётлар

1. Расулов Р. Умумий тилшунослик. Дарслик. – Т.: “Фан ва технология”, 2017.
2. Сайфуллаева Р., Менглиев Б., Бокиева Г., Қурбонова М., Абузалова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Т.: “Фан ва технологиялар”, 2010.
3. Сайфуллаева Р.Р., Менглиев Б.Р., Бокиева Г.Х., Қурбонова М.М., Юнусова З.Қ., Абузалова М.Қ. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Ўқув қўлланма. – Т.: 2006.
- 4.Эркин Аъзам. Пакананинг ошиқ кўнгли. Киноқиссалар. –Т.: 2001.
- 5.Эркин Аъзам. Анойининг жайдари олмаси. Киноқисса. –Т.: 2001.

Мақолада Эркин Аъзам киноқиссалари тилининг грамматик хусусиятлари, хусусан, лисоний бирликларнинг нуткий ифодаси тавсифи баён қилинган. Шунингдек, киноқиссалар матнида айрим тил бирликларининг социопрагматик имкониятлари таҳлил қилинган.

РЕЗЮМЕ

РЕЗЮМЕ

В статье описываются грамматические особенности языка киносказок Эркина Азема, в частности, описание словесного выражения языковых единиц. Социально-прагматические возможности некоторых языковых единиц также анализируются в тексте сюжетов фильма.

SUMMARY

The article describes the grammatical features of the language of Erkin A'zam's film stories, in particular, the description of the verbal expression of linguistic units. The sociopragmatic possibilities of some language units are also analyzed in the text of the film stories.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ЎЗБЕК ШЕВАЛАРИДАГИ ТАОМ НОМЛАРИНИНГ СИНТАКТИК УСУЛ БИЛАН ЯСАЛИШИ

М.Т.Худаярова – филология фанлари номзоди

Ажсиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: таом номлари, ўзбек шевалари, ясалиш, синтактик усул, эркин бирикмалар, турғун таркибли бирикмалар, содда таркибли таом номлари, мураккаб таркибли таом номлари, боғланиш усуллари, плеоназм.

Ключевые слова: названия блюд, узбекские диалекты, словообразование, синтаксический метод, свободные соединения, устойчивые составные соединения, простые составные названия блюд, сложные составные названия блюд, способы соединения, плеоназм.

Key words: food names, Uzbek dialects, word formation, syntactic method, free compounds, stable compounds, simple product names, complex product names, connection methods, pleonasm.

Маълумки, тилшуносликдаги мавжуд бўлган тушунча ва назарий асосларга мувофиқ қўшма сўз шаклидаги таом номлари сўз бирикмалари асосида пайдо бўлган. Таом номлари олдинги даврларда эркин бирикмалар тарзида мавжуд бўлган бўлсалар ҳам, кейинчалик турғун ҳолга келиб қолиб, қўшма сўзлар ва турғун таркибли бирикмалар тарзида тилимиз лексик таркибида мавжуд бўлган ва улар лексикализациялашган бирикмалар сифатида яшаб келмоқда.

Қорақалпоғистон ҳудуди ўзбек шеваларида таом номлари ҳосил бўлишида морфологик усулга нисбатан синтактик усулда ясалган номлар кўпчиликти ташкил қилади. Н.Икромов аса диссертациясида: «...содда терминлар 75%га яқин бўлиб, қолганлари бирикмали, жуфт ва такрор терминларни ташкил қилади» [1] деган фикрни билдиради.

Синтактик усулда икки ёки ундан ортиқ компонентларнинг ўзаро бирикиб келиши орқали янги таом номлари ясалади. Умуман, бу усул билан сўз ясаш энг қадимги маҳсулдор усуллардан бўлиб, туркий тилларнинг ҳар томонлама бойиши ва тараккий этиб боришини таъминловчи асосий омиллардан бири ҳисобланади [2].

Синтактик усул билан ясалган таом номларини ташкил этган компонентлар семантик, грамматик ва интонацион жиҳатдан бирикиб, яхлит лексик бутунликка айланиб кетганлар [3].

Юқорида таъкидланганидек, таом номлари икки ёки ундан ортиқ компонентларнинг ўзаро бирикиб келиши орқали ҳосил бўлади. Масалан, **палав** номи бирор сўзни қўшиш йўли билан паловнинг турларини ифода қилувчи таом номларига асос бўлиши мумкин: *сўзмэ палав, бувдай палав, ичэк-қарын палав, бейили палав, мэйэк палав* ва ҳоказо. Бундай усул билан *шэвлэ, кўртик, гёммэ, чай, сомса* каби таом номлари ҳам бирмунча ном ясашига

профиль каби терминлар ҳам ўрни билан ишлатилганки, ўқувчининг кўз олдида манзара аниқ-тиниқ ҳосил бўлади. Умуман, қиссада нутқ вазиятига қараб турли ўринларда турли морфологик бириклар фаол ҳолатда бўлаётгани аниқланди. Бу билан сўз туркумларининг қўлланилиш частотасига доир тадқиқотларни янада осонлаштириш учун қандай сўз туркумлари қайси нуткий вазиятда уюшганроқ, кўпроқ бўлиши ҳақида муайян ҳулосаларга келиш мумкин.

хизмат қилиши мумкин. Бу ҳол кўпроқ бирикма типидagi таом номларининг кўпайиши учун замин ҳозирлайди. Шу сабабли ҳам бизнинг материалларимизда бирикма типидagi таом номлари асосий қисмни ташкил қилади. Бу таом номларининг қанча сўздан ташкил топиши, боғланиш усуллари, компонентлари орасидаги муносабатлар ранг-баранг бўлиб, ўзбек тилида сўзларнинг боғланиши қонуниятларини тўла акс эттиради.

Улар энг аввало, икки компонентли ва кўп компонентли бирикмалар сифатида тузилади ҳамда таом номлари сифатида ихтисослашади.

Икки компонентли бирикмаларнинг типик кўриниши кенг маънода атрибутив бирикмалардир. Бу бирикмалар таом номи бўлиш функциясида энг кўп қўлланувчи ва энг қулай бирикмалардир.

Ўрганилаётган ҳудуд ўзбек шеваларида синтактик усул билан ясалган таом номларини қуйидаги гуруҳларга ажратиб ўргандик: 1. Содда таркибли (икки сўздан тузилган) таом номлари; 2. Мураккаб таркибли (уч ёки ундан ортиқ) таом номлари.

Содда ва мураккаб таркибли таом номлари тузилишига кўра ранг-баранг сўз туркумларига ҳос бириклардан ташкил топган. Улар қуйидагилардир:

Содда таркибли (икки сўздан тузилган) таом номлари. 1) от-от типида ясалган таом номлари: *төшәп, қатығаш, унашы, майсөк, майбыламық, сүтгүрүч/сүтбүрүнч, қумшәкәр, мәшпалав, сөк талқан, нан шорпа, бувдай палав, кәди бәрәк, гөш бәрәк, йумырта бәрәк/мәйәк бәрәк/мәйәк бөрәк, увыз бәрәк/увыз бөрәк, қавәк манти, бувдай қувырмач, джүвары қувырмач, гөш қувырдақ, йумырта қувырдақ/мәйәк қуырдақ, кәди қу-вырдақ, балық кабан, балық шорпа, балық қарма, балық дымләмә, балық палав, балық қувырдақ, кәди сомса, кәди гёммә, гәшпир гёммә, замарық гёммә, қавун төшәп, джүвары шэвлә, джигилдик быламық, қавун мьрабба,*

гәшир мәрәбба, джүвари талқан, джыйдә ийджан, чәкийдә қайыш, джүвари күртик каби бирикма типидәги таом номлари нихоятда кўп бўлиб, уларнинг иккала қисми ҳам номинатив вазифа бажаради. Бу, бир томондан, мазкур овқат турларининг ўша нарсалар иштирокида тайёрланишини билдирса, иккинчи томондан бирламчи ва асосий таом номларининг от туркумидаги сўзлардан бўлишини, учинчидан, бу тип бирикмалар ҳосила таом номлари эканлигини кўрсатади. Бундай бирикмаларда ифодаланган таом номлари:

- биринчи компонентдан англашилган нарса таомнинг юзага келишида асосий восита эканлигини билдиради: *сөк шәвлә, джүвари джарма, гәш қувырдақ, кәди қувырдақ, йумырта қувырдақ, замарық кабап, замарық шашлик, қавун төшәп, қармызлы төшәп каби*;

- таомнинг бирдан ортик маҳсулот воситасида тайёрланишини билдиради: *йумырта бәрәк, кәди гәммә, балық қарма, гәшир гәммә, гәш бәрәк каби*;

Юқорида келтирилган содда таркибли таом номларининг баъзилари ҳозирги давр тили нуктаи назаридан морфемаларга ажралмайдиган сўзлардир. Буларга *мәшәвә, унашы, майсөк, мәстәвә* кабиларни кўрсатиш мумкин. Чунки бу таом номлари таркибидәги баъзи бўлақлар тарихан морфемаларга бўлиниб, таркибидәги номлар алоҳида қўллана олиш имкониятига эга бўлса, баъзилари алоҳида ном сифатида қўлланилиш хусусиятини бутунлай йўқотган. Масалан, *мәшәвә* (мош+сув), *мәстәвә* (маст – тожикча ачиган қатиқ+об – сув). Бу таом номларининг морфемаларга бўлинишини фақат тарихий нуктаи назардан айтиш мумкин.

2) сифат+от: а) бунда бирикмали атаманинг биринчи компоненти аслий сифатдан ифодаланган бўлади. Буларга: *сарыйағ//сарымай, ақсықман, ақшалғам, көкбыламық, көк гәммә//гөк гәммә, гөк бәрәк, көк пәтир, қызыл пәтир, көк чай, қара чай, мәйдә күртук, қақ балық, йахна қой каби*;

б) нисбий сифатли бирикма типидәги таом номлари: Бунда бошқа туркумлардаги сўзларга сифат ясовчи қўшимча қўшилиб, таом номларининг хилини ҳосил қиладди. Бу тип бирикмаларни ҳосил бўлишида қуйдаги қўшимчалар катта роль ўйнайди:

-лы қўшимчаси: *қавақлы қырмыч, гәшлы нан, пыйазлы қатлама, қатықлы чәлтәк, қавунлы чәлтәк, сарыйағлы палав, бейылы палав, баллы чай, шалғамлы джарма, шорпалы қувырдақ, қавақлы күртик, айранлы унашы, қармызлы төшәп каби*.

Бу бирикмаларда таом номлари изофа шаклида (от+от) ҳам берилиши мумкинки, бунда маънога унчалик таъсир қилмайди. Масалан, *бейылы палав – бейы палав, қавақлы қырмыч – қавақ қырмыч, пыйазлы қатлама – пыйаз қатлама каби*, аммо барча бирикмаларни ҳам ушбу тарзда қўллаш мумкин эмас. Масалан, *айранлы унашы, шорпалы қувырдақ, гүнжылы ийджан* кабиларни *айран унашы, шорпа қувырдақ, гүнжы ийджан* каби қўллаш маъносиз бирикмаларни ҳосил қиладди.

-ма(мә) қўшимчаси: *асма шорпа, салма күрдүк, сүзмә палав, үзмә күрдүк каби*.

3. Сифатдош+от: Бундай бирикмаларда ҳам таом тури ифодаланади: *дудланган балық, қувырылган балық, қувырылган увылдырық, ачыган гөджә каби*.

Таом номлари орасида қаратқич аниқловчи+аниқланмиш қолипидәги бирикмали номлар изофа типидәги (I тип изофали) номлар жумласида нисба

Адабиётлар

1. Икрамова Н. Узбекская кулинарная лексика: Дис. ... канд. филол. наук. –Ташкент: 1983. –С. 146.
2. Кононов А.Н. Грамматика узбекского языка. – Ташкент: 1948. –С.48.
3. Хожиев А. Ўзбек тилида қўшма, жуфт ва такрорий сўзлар. —Тошкент: 1963. 13-17-б.

Маколада Қорақалпоғистон ҳудуди ўзбек шеваларидаги таом номларининг синтактик усул билан ясаилиши тадқиқ этилган. Қорақалпоғистон ҳудуди ўзбек шеваларида таом номлари ҳосил бўлишида морфологик усулга нисбатан синтактик усулда ясалган номлар кўпчиликини ташкил қилиши, таом номларининг қанча сўздан ташкил топиши, боғланиш усуллари, компонентлари орасидаги муносабатлар ранг-баранг эканлиги ҳақида назарий фикрлар келтирилган, улар мисоллар асосида талқин қилинган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматривается синтаксическое построение названий блюд в узбекских диалектах на территории Каракалпакстана. В узбекских диалектах Каракалпакстана представлены теоретические представления о синтаксической форме названий блюд по отношению к морфологическому методу, количеству слов в названиях блюд, способам связи, взаимосвязи между компонентами, которые анализируются на основе примеров.

тан оз. Изофалар орасида I тип изофали (*нан шорпа, сөк палав, бувдай палав*) таом номларига нисбатан II, III тип изофали таом номлари анча кам учрайди. Бу ҳолат I тип изофали бирикмалар таом номларини билдириш учун энг мос ва қулай бирикмалар эканлигини яна бир қарра тасдиқлайди.

Мураккаб таркибли (уч ёки ундан ортик сўздан тузилган) таом номлари. Ўрганилаётган ҳудуд ўзбек шеваларида от+от+от типидәги *кәлләбашайақ* таом номи учрайди. Мазкур таом номи бошқа диалектларда ва адабий тилда *калла-поча* тарзида жуфт сўз шаклида қўлланилади. Форс-тожик тилидан кириб келган “*кәллә*” сўзи ёнига умумтуркий сўз бўлган “*баш*” сўзини қўшиб “*кәлләбашайақ*” деб аташади. Бу қўшма сўздаги *баш* сўзи ортикча қўлланган. Бу ҳолат қўшимчаларни қўшишда ҳам кўзга ташланади. Масалан, *ёгингарчилик, намгарчилик* сўзларидаги форсча қўшимча -*гар* плеонастик қўлланган, яъни у -чи қўшимчаси билан вазифадош, аммо шундай қўлланиш адабий тил меъёри сифатида қабул қилинган. Шу сабабли -*гар* қўшимчасининг плеонастик қўлланганлиги унчалик сезилмайди. “*Кәлләбашайақ*” таом номидаги плеоназм адабий меъёрга қабул қилинмаган, ўрганилаётган ҳудудда эса, бу сўз сақланиб қолган.

Юқоридаги *лы/ли* сифат ясовчи қўшимчаси жуфт (*ичәк-қарынлы палав, ичәк-қарынлы манти*) ва мураккаб таркибли таом номларига ҳам (*гәширли джүвари күртик, пыйазлы мейәк қувырдақ*) қўшилади.

Мураккаб таркибли таом номлари ҳар хил сўз туркумларига хос бириклардан ташкил топган ва улар қуйидагилардир:

1. От+от+сифатдош+от: *қой гәш саган палав, тавуқ гәш саган унашы каби*;
2. От+сифат ясовчи қўшимча+от+от: *кәдили джүвари күртик, сўтлы гүрич аш каби*;
3. Сифат+от+сифат ясовчи қўшимча+от: *қақ йерикли палав, қақ йерикли күртик каби*;
4. От+сифат ясовчи қўшимча+сифат+от: *сўтлы мейдә күртик, қатықлы мейдә күртик каби*.

Таом номлари орасида от+сон, от+равиш, от+олмош, олмош+от типидә ҳосил қилинган бирикмали номлар учрамади.

Жуфт сўз типидәги таом номлари ўрганилаётган ҳудуд аҳолиси тилида камунум ҳисобланади. Масалан, *аччы-чуччы, ичәк-қарын, жызы-бызы, қәнимә-қәним* каби. Бу таом номлари ўзбек халқ мақолларида ҳам ўз аксини топган: *Ичак-қарин гўшт бўлмас, душман асло дўст бўлмас.*

Қазисан-қартасан асли ўзингга тортасан. Қорақалпоғистон ўзбек шеваларида такрор шаклдаги таом номлари ҳам учрайди. Бундай такрор номларга: *хәй-хәй, чәк-чәк* кабиларни кўрсатиш мумкин.

Умумхалқ тилининг барча ҳудудлардаги тил воситалари, тармоқлар лексик бириклари, соҳаларга тегишли ҳар хил атамалар, адабий тил тараққиёти учун ҳам, тилшунослик фани ривожини учун ҳам катта аҳамият касб этади. Қорақалпоғистон ҳудуди ўзбеклари тилидаги таом номлари ва бу номларнинг ёндош қардош халқлар тилидаги кўринишлари ҳам бундан мустасно эмас. Чунки бу ҳудуд аҳолиси тилидаги ўзига хосликлар, унинг адабий тил ва бошқа ҳудудлар аҳолиси тилидан фаркли жиҳатлари тилшунослик фани учун ҳам, ўзбек адабий тили лексик таркиби учун ҳам қимматли маълумотлар бериши табиийдир.

The article examines the syntactic preparation of food names in the Uzbek dialects of Karakalpakstan. In the Uzbek dialects of Karakalpakstan, there are many examples of the formation of food names in a syntactic way rather than morphological methods, the number of words in food names, the methods of connection, the relationship between the components, and so on.

СПЕЦИФИКА ПЕРЕДАЧИ БЕЗ ЭКВИВАЛЕНТНОЙ ЛЕКСИКИ

Ш.М.Исаева - самостоятельный соискатель

Узбекский государственный университет мировых языков

Таянч сўзлар: leksema, lug'at, tarjima, transkripsiya, transliteratsiya.

Ключевые слова: лексема, лексика, передача, безэквивалентная лексика, транскрипция, транслитерация.

Key words: lexeme, vocabulary, translation, non-equivalent vocabulary, transcription, transliteration.

За последние годы значительно выросло число работ, свидетельствующих об интересе и стремлении лингвистов к исследованию языковых явлений в широком экстралингвистическом контексте. Появляется ряд работ, в которых выявляется «культурный» компонент значения слова и лингвистическая природа «фоновых» знаний, рассматривается специфика функционирования лексем в каждой из рассматриваемых языковых общностей.

В научной литературе для обозначения, называния объектов, явлений национального колорита функционируют такие термины, как «безэквивалентная лексика», «экзотизмы», «варваризмы», «локализмы», «этнографизмы», «коннотативные слова», «пробелы», «лакуны», «бытовые слова». Термин «безэквивалентная лексика» трактуется учеными по-разному: как синоним реальных, как слова, отсутствующие «в иной культуре и в ином языке» [1:15], как «слова, план содержания которых невозможно сопоставить с какими-либо иноязычными лексическими понятиями» [1:56], как слова, «характерные для советской действительности» [2], и просто как непередаваемые на другой язык слова.

Понятие безэквивалентной лексики является наиболее широким, объемным по своему содержанию. В произведении Юсуфа хос Хожиба встречаются такие безэквивалентные лексемы, как хан, хакан, Аллах, бек, элик, везир, бунчук, мускус, калям, чигиль, хасс-хаджиб, хаджиб, нард, шатранч, човган, тамга, ябгу, югруш, эльбек, кумыс, шербет, мускус, намаз, маралы, сайгаки, куланы, туры, мухтасиб, шарият, мечети, Азраил, Заххак, Фаридун, Али Тонга, Афрасийб, Кюнтогды, Айтолды, Огдюмиш, Одгурмыш, Кюсемиш, Эрсиг, Хосров, Шаддад, Искандер, Хайдар, Рустам, Иса, Карун. Рассмотрим, как передаются некоторые из перечисленных выше лексем на русский и английский языки.

Калям, везир

2415 Сказал Огдюльмиш: «О элик, достославный!

Два дела великих есть важности главной –

Везиром служить и главою войскам,

Дан меч одному, а другому – **калям** [4].

O glorious king! These two offices are equally important. Each has its emblem: that of the **vizier** is the **pen**, that of the commander the sword [3].

2381 Угдулмиш яна айтди: Бахтиёр элиг,

Икки иш (жуда) буюк иш, оти улур (лик) дир:

(Бири) **вазир**, иккинчиси – яловбардор лашкарбоши (лик),

Бири (кулида) қилич тутади, бири – **калам** [5].

В данном отрывке слово *қалам* переведено на английский язык как *pen* – ручка, а в русском языке наблюдается транслитерация этого слова – *калям*, для читателей, не владеющих тюркскими языками, это слово не будет понятно без специального комментария.

Везир (визирь) – титул министров и высших чиновников во многих мусульманских государствах. В Османской империи великий, или верховный везир возглавлял правительство; он издавал от имени султана указы (фирманы, ферманы), подписывал договоры. Эта лексема передается на английский и русский языки посредством транслитерации

В произведении Юсуфа хос Хожиба «Кутадгу билиг» встречается лексема *чигиль*.

3490 Нам вместе служить – для меня благодать,

А ради себя как советы давать!

Услышь, что сказал преунытый **чигиль** *

Внемли ему, неуч, гордыню осиль:

«Не спрашивай тех, чей корыстен совет,

О доблестный будет тебе только вред [4].

To have you together with me at court will be of great benefit to me. But – as the wise **Chigil** used to say – you do not consult with one who seeks his own benefit, for he may only consider his own advantage, and tell you to do something that is improper or disadvantageous to yourself [3].

3445 Сен билан бўлса (м), кўр, фойдаси кўпдир,

Ўз фойдасини кўзлашга ақл маслахат бермайди.

Билимли **чигил** нима дейди, эшитгин,

Биликсиз (сен) эшитгин, бўйин бер, эгил:

Ўз фойдасини кўзловчига сўзни маслахат қилмаслик керак,

Сенга фойдаси булмайди, эй кутли киши [5].

Чигил = чигал. чигил II чигиль – название одного из родов, вошедших в этнический состав узбекского народа, а также отдельного представителя этого рода.

Название чигиль в 11 веке применялось к большому числу тюркских народностей. Махмуд Кашгарский объясняет то значение, которое получило у огузов слово *чигиль*, только тем, что город Чигиль, где жила одна из ветвей народа, находился близ Тараза, т.е. современного Аулие-Ата, и что с этим городом рано ознакомились огузы как с одним из самых западных восточнотюркских городов.

В данном отрывке слово *чигиль* используется во всех трех языках, что является транслитерацией.

В произведении Юсуфа хос Хожиба встречается лексема *човган*.

2635 **Човган** надо знать и метание стрел *

И ведать искусство охотничьих дел [4].

He should excel in **polo** and in archery, also in fowling and in hunting [3].

2596 **Чавгонга** мохир булса, ук отадиган (мерган) булса,

Яна дунёда илгор лочиндор, овчи булса [5].

Човган – древняя восточная конно-спортивная командная игра, прародитель современного конного поло. Издревле считалась аристократической игрой и проводилась на отдельном поле, на специально обученных для этого лошадях.

В данном фрагменте в русском языке используется приём транслитерации и является заимствованным словом, в таком случае сохраняется национальная самобытность тюркского народа. В английском варианте используется метод эквивалента, т.е. используется лексема *polo*, тем самым читателю носителю английского языка понятно, о чём идёт речь, но при этом пропадает национальный колорит произведения Юсуфа хос Хожиба.

Рассмотрим специфику передачи лексемы *тамга*.

2900 Напитки вливая своею рукою,

Он должен хранить их, скрепляя **тамгою** [4].

With his own hand he will mix the wine, then **seal** it shut [3].